№ _____сонли
Ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш
Ш А Р Т Н О М А С И

2022 йил «____» **Питнак. ш**

«_____ » МЧЖ (кейинги ўринларда ”Бажарувчи” деб юритилади) номидан Низом асосида иш юритувчи директор _____ бир тарафдан ва “UzAuto Motors” АЖ Хоразм вилояти филиали (кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритилади) номидан 2021 йил 02 август кунги Yur/120-1914-сонли ишончнома асосида иш юритувчи бошқарувчи директори С.М. Жуманиязов иккинчи томондан, мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар:

1.ШАРТНОМА МАЗМУНИ

1.1. “Бажарувчи” “Буюртмачи”нинг топшириғи билан ушбу шартноманинг 1.2-бандида кўрсатилган хизматларни бажариш, “Буюртмачи” эса улар учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. Мазкур шартноманинг 1-иловасида кўрсатилган “Буюртмачи” томонидан ишлаб чиқарилган 18 турдаги бутловчи қисмларга қуйидаги жадвалга асосан хизмат кўрсатилади:

№	Хизмат тури	Нархи 15% ҚҚС сиз	Суммаси 15% ҚҚС билан
1	Бутловчи қисмларни галваник қоплама қилиш		
	Жами қиймати		

1.2. Шартноманинг умумий суммаси _____сўм ташкил қилади.

2. ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР ШАРТЛАРИ

2.1. Шартномага кўра - таққослов далолатномаси ҳисоботи мавжуд бўлса 10 банк куни ичида, 15 - санадан кейин ва ҳар ойнинг охирида, бир ойда икки марта миллий валютада - сўмда.

2.2. Хизматлар “Бажарувчи”нинг галваник қоплама қилиш корхонасида 15 (ўн беш) иш кун ичида бажарилади, “Буюртмачи”га тегишли бўлган бутловчи қисмлар “Буюртмачининг”нинг ҳисобидан “Бажарувчи”нинг галваник қоплама қилиш корхонасига етказилади.

2.3. “Буюртмачи” галваник қоплама қилинадиган бутловчи қисмларни қабул қилишда “Бажарувчи”нинг иштирокида уни мувофиқлигини текшириши шарт.

2.4. Галваник қоплама қилинадиган бутловчи қисмлар “Буюртмачи”нинг масъул ходимлари томонидан далолатнома бўйича қабул қилинади ва сифати текширилади.

2.5. Мазкур шартномада кўзда тутилган хизматлар шартномага мувофиқ амалга оширилади.

3. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. “Буюртмачи” нинг ҳуқуқлари:

“Бажарувчи”дан шартномани бажариш учун зарур бўлган давлат стандартлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

“Бажарувчи”дан мазкур шартномага мувофиқ сифатли хизмат кўрсатишни талаб қилиш;

“Бажарувчи”дан мазкур шартнома шартларини бажармаганлиги ёки тегишли даражада бажармаганлиги натижасида етказилган зарарни қоплаб беришни талаб қилиш.

“Бажарувчи”дан бутловчи кисмларни олиб кетиш ва кайтариб келиш транспорт харажатлари бажарувчи хисобидан.

3.2. “Буюртмачи”нинг мажбуриятлари:

- мазкур шартномага мувофиқ галваник қоплама қилинадиган бутловчи қисмларни тегишли тартибда қабул қилиш;

- хизматларнинг қийматини мазкур шартномада белгиланган нархда ва муддатда тўловини амалга ошириш.

3.3. “Бажарувчи” қуйидаги хуқуқларга эга:

- “Буюртмачи”дан олдиндан тўлов ва кўрсатилган хизматлар учун якуний ҳисоб-китобларни Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида кўзда тутилган тартибда ва ҳажмларда амалга оширишни талаб қилиш;

3.4. “Бажарувчи”нинг мажбуриятлари:

- “Буюртмачи”га хизматларни мазкур шартномага мувофиқ белгиланган муддатда ва сифатда кўрсатиш;

- агар хизматлар кўрсатилиш жараёнида “Бажарувчи”нинг айби билан гальваник қоплама қилинадиган бутловчи қисм яроқсиз ҳолатга келса, “Бажарувчи” уни 5 (беш) иш кун ичида бепул таъмирлашни ёки янгисини ишлаб чиқаришга кетадиган ҳаражатни қоплаб беришни ўз зиммасига олади.

3.5. Мазкур шартноманинг шартлари ва талаблари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ ижро этилиши шарт.

3.6. Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг ижросини таъминлаган тақдирда шартнома бажарилган ҳисобланади.

4. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИКЛАРИ

4.1.“Бажарувчи” ушбу шартноманинг 2.2-бандида кўрсатилган хизматларни бажариш муддатини бузганлиги учун Буюртмачига ушбу шартнома умумий суммасининг 20% фоизи миқдорида жарима тўлайди.

4.2.Тарафларнинг ушбу шартномада назарда тутилмаган жавобгарлик чоралари Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ қўлланилади.

4.3. Неустойка тўлаш Тарафларни ўзларига юклатилган мажбуриятларни бажаришдан ва бузилишларни бартараф этишдан озод қилмайди.

4

5. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

5.1. Ушбу шартномани бажариш чоғида юзага келиши мумкин бўлган низолар ва келишмовчиликлар Тарафлар ўртасидаги музокаралар йўли билан ҳал этилади.

5.2. Низоларни музокаралар йўли билан ҳал этишнинг имкони бўлмаган тақдирда Тарафлар келишмовчиликларни судгача тартибга солишнинг қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартиботини амалга оширганларидан сўнг, уларни кўриб чиқиш учун давогарнинг манзилида жойлашган иқтисодий судига топширадилар.

6. ФОРС-МАЖОР

6.1. Форс-мажор натижасида мажбуриятларни бажарилмаслиги ҳолатлари келиб чиқса ва бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 15 февралидаги 63-сонли “Енгиб бўлмас куч (форс-мажор) ҳолатларининг мавжудлигини тасдиқлаш механизмини киритиш тўғрисида”ги қарорида кўзда тутилган шартларда томонлар ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни қисман ёки тўлиқ бажарилишидан озод этилади.

7. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

7.1. Мазкур шартнома ғазначилик бўлинмаларида мажбурий рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва томонлар мажбуриятларини тўлиқ бажаргунга қадар амал қилади.

7.2. Шартноманинг амал қилиши бир томоннинг ташаббусига кўра 1 (бир) ой давомида бошқа томонга ёзма ариза топширган кундан бошлаб, барча ўзаро ҳисоб-китоблар тугаганлиги

муддатидан аввал тўхтатилиши мумкин. Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаган ҳолларда шартнома бажарилган ҳисобланади.

7.3. Шартноманинг амал қилиш муддатини тугаши томонларни жавобгарликдан озод қилмайди.

8. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

8.1. Ушбу шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда тузилган ҳамда Тарафларнинг ваколатли вакиллари томонидан имзоланган бўлса, ҳақиқийдир. Ушбу шартномага иловалар унинг ажралмас қисмини ташкил этади.

8.2. Ушбу шартнома икки нусхада тузилди. Иккала нусха бир хил кучга эга. Ҳар бир Тарафга ушбу шартноманинг бир нусхаси берилади.

9. ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

“Бажарувчи”		**“Буюртмачи”**
		“UzAuto Motors” АЖ Хоразм вилояти филиали
		Манзил:Хоразм вилояти Тупроққалъа тумани Хазорасп кўчаси 1 уй
		Эл.почта: электрон почтангни ёз
		Тел./факс: телефон рақамингни ёз
		х/р: 2021 4000 9005 3230 5053;
		Банк: АТБ Асака банк Хазорасп филиали\4
		МФО:01169; СТИР: 200244767;
		ОКЭД: 29100
		Бошқарувчи директори _____ С.М. Жуманиязов
М.Ў.		**М.Ў.**